

ҚИДИРУВДА БЎЛГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА  
КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ

Ишпулатов Сирожиддин Махамадалиевич

“Miranda Revolution” АБ адвокати

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6589524>

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда 2021 йил 18 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексига айбга иқдорлик тўғрисида келишув институти жорий қилиниши, тергов органи томонидан шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда, ушбу шахс аввалига жиноят ишига гумон қилинувчи тариқасида жалб этилади ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган ҳолатлар юзасидан батафсил сўроқ қилиниши, зарурий тергов ҳаракатлари ўтказилиб, унинг айблилиги далиллар билан ўз тасдиғини топган тақдирда унга нисбатан айб эълон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси билан тегишли судловга юборилиши масалаларига эътибор берилган.

**Калит сўзлар:** Гумон қилинувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, айбга иқдорлик

**АННОТАЦИЯ:** Данной статьей вводится институт соглашения о признании вины в Уголовном и Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан от 18 февраля 2021 года. Был детально допрошен, проведены необходимые следственные действия, и в случае подтверждения его вины доказательствами, ему было предъявлено обвинение и уголовное дело направлено в соответствующий суд с обвинительным заключением.

**Ключевые слова:** Подозреваемый, следователь, следователь, прокурор, суд признали свою вину.

**ANNOTATION:** This article introduces the institution of a plea agreement in the Criminal and Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan dated February 18, 2021. He was interrogated in detail, the necessary investigative actions were taken, and if his guilt was confirmed by evidence, he was charged and the criminal case was sent to the appropriate court with an indictment.

**Keywords:** The suspect, the investigator, the investigator, the prosecutor, the court pleaded guilty.

Мамлакатимизда ўтган 5 йил мобайнида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, бозор ислохотларини, шу жумладан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга кенг йўл очиб берадиган қонунчилик базасини мустаҳкамлашда борасида ўта муҳим ва амалий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, тергов органи томонидан шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда, ушбу шахс аввалига жиноят ишига гумон қилинувчи тариқасида жалб этилади ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган ҳолатлар юзасидан батафсил сўроқ қилинади ҳамда бошқа зарурий тергов ҳаракатлари ўтказилиб, унинг айблилиги далиллар билан ўз тасдиғини топган тақдирда унга нисбатан айб эълон қилиниб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан тегишли судловга юборилади.

Гумон қилинувчи терговга чақиртирилган вақтда асосиз равишда келишдан бош тортиб жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида яширинган тақдирда, терговчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 261-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрдаги 1024-сонли қарори<sup>1</sup>га асосан шахсни мажбурий тартибда келтириш тўғрисида қарор чиқаради.

Жиноят иши юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт.

Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар.

<sup>1</sup> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон)

Терговчи гумон қилинувчининг турган жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўради ва аниқлашнинг имкони бўлмаса ёки чет элга чиқиб кетганлиги ҳақида асослантилган маълумот олинган бўлса, гумон қилинувчининг иштирокисиз ўтказилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатларини ўтказиб, унинг айблилигини тасдиқловчи далиллар етарли бўлган тақдирда сиртдан айб эълон қилади ва ЖПКнинг 365-моддаси тартибида қидирув эълон қилади.

Қидирув эълон қилинган шахс ушлангунга қадар жиноят иши бўйича дастлабки тергов Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан вақтинчалик ҳаракатдан тўхтатиб қўйилади.

Тўхтатилган жиноят иши айбланувчи томонидан содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига кўра жавобгарликка тортиш муддати ўтганидан сўнг жиноят иши ЖКнинг 64-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди тартибида ҳаракатдан тугатилади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб **ўн йил**, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб **йигирма беш йил** ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистонга қайтиш истагида бўлган қидирувдаги шахслар ва Ўзбекистон худудида жамиятдан яшириниб юрган шахсларга нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чорасига ўзгартириш ҳамда қуйидаги қонуний йўллар билан юридик ёрдам кўрсатиш мумкин:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахсларга нисбатан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасини қўллаб, жиноят ишини ярашув тартибида судга чиқариш орқали;

Жиноят 2014 йилга қадар содир этилган бўлса, амнистия актини қўллаб, бутунлай ёки қисман жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш орқали;

Қидирувдаги шахс ўзининг айбсизлигига ишончи комил бўлса ва ўзининг айбсизлигини тасдиқлаб бера оладиган далиллари мавжуд бўлса дастлабки терговни қайта тиклаб, унга нисбатан тўпланган далилларни номақбул деб топиш йўли билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш орқали;



Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмини қўллаш орқалитугатилиши мумкин, башарти:

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса;

Айбга иқrorлик тўғрисида келишув институтини қўллаш орқали;

2021 йил 18 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексига айбга иқrorлик тўғрисида келишув институти жорий қилинди<sup>2</sup>.

Унга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар келишув таъсир доирасига тушади ва прокурор билан келишувга эришган айбланувчига нисбатан ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасига асосан жиноят кодексининг моддаси, қисмида назарда тутилган максимал жазонинг яримидан кўпи берилмайди.

Адвокат прокурор билан келишув тузаётган вақтда ҳимояси остидаги шахснинг манфаатини кўзлаб, эҳтиёт чорасини қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ турига алмаштиришни сўраши ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо турини танлаши ҳамда унинг муддатини ҳам келишиши мумкин.

Бунинг учун айбланувчи содир этган жинояти бўйича ўз айбига иқror бўлиши, унга қарши тўпланган далилларни инкор этмаслиги, етказилган моддий зарарни тўлиқ бартараф этиши, терговни тўлиқ ва холисона олиб борилиши учун фаол ёрдам бериши талаб этилади.

<sup>2</sup> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон)

Қидирувдаги шахсга нисбатан айбга иқrorлик тўғрисида келишув институтини қўллаш орқали ёрдам кўрсатиш тартиби ва жараёни ҳақида қисқача тушунча берадиган бўлсак, аввало қидирувдаги шахс ёки унинг оила аъзоларидан бири (учинчи шахс) адвокат билан учрашиб, келишув тартиби ва шартларини муҳокама қилиб олишлари лозим.

Шундан сўнг адвокат айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузиш тўғрисида илтимосномани шакллантириб, тўғридан-тўғри қидирувдаги шахс билан алоқаси бўлса унинг ўзига телеграм ижтимоий тармоғи орқали электрон кўринишини юборадигани бўлмаса учинчи шахслар орқали қоғоз вариантини бериб юборади.

Қидирувдаги шахс илтимоснома билан танишиб чиқиб, розилик билдирса ўзининг фамилияси олдига имзо қўйиб, илтимосномани PDF форматга келтириб, электрон кўринишини адвокатга жўнатади.

Ушбу илтимосномада айбланувчи содир этган жиноятини тўлиқ тан олиши, моддий зарар мавжуд бўлса тўлиқ қоплаши, жиний шериклари мавжуд бўлса улар ҳақида тўлиқ маълумот бериши ва терговга фаол ёрдам бериб, унга нисбатан тўпланган далилларни инкор этмаслик мажбуриятини олиши кўрсатилади.

Эвазига прокурордан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини “гаров” эҳтиёт чорасига ўзгартириш ҳамда озодикдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо турига келиши сўралади.

Адвокат илтимосномани терговчига тақдим этганидан сўнг, терговчи тўхтатилган жиноят ишини олиб, 24 соат ичида прокурорга олиб боради.

Прокурор 72 соат ичида илтимоснома ва жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Илтимоснома прокурор томонидан қаноатлантирилмаслигининг асосий сабаби айбланувчининг ўзи келишув музокарасида иштирок этмаётганлиги бўлиши мумкин. Бунинг учун қидирувдаги шахс аввалдан ўзини видеотасвирга олиб, адвокатга жўнатиб қўйиши ва ушбу видеотасвирда ўзининг шахси ҳақида тўлиқ маълумотларини айтиб, у адвокат билан келишув шартларини муҳокама қилиб олганлигини ва тушунганлигини, ўз айбига иқrorлигини ва келишув битими тузилганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келиши

ва барча мажбуриятларни бажаришини, илтимосномадаги имзо ҳақиқатдан ҳам унга тегишли эканлигини тасдиқлаши лозим бўлади.

Прокурорга ҳам терговчига ва жиноят қидирув ходимиغا ҳам жиноят иши бир неча ойлаб ёки йиллаб тўхтаб турганидан кўра қидирувдаги шахс қайтиб келиб энгилроқ бўлсада жазосини олиб, жабрланувчининг моддий зарарини тезроқ қоплагани фойдалироқ ҳисобланади ва шу сабабли бундай келишув таклифлари рад этилмайди.

Прокурор билан эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган энгилроқ жазога келишилгандан сўнг терговчи жиноят иши бўйича шахсга нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини “гаров” эҳтиёт чорасига алмаштириш тўғрисида қарор чиқаради ва прокурорга тасдиқлатганидан сўнг бир нусхасини адвокатга беради ҳамда қидирувни тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Қидирувдаги шахс Ўзбекистонга қайтганидан сўнг дастлабки тергов қайта тикланиб, зарурий тергов ҳаракатлари ўтказилиб, жиноят иши айблов хулосаси билан, келишув тартибида судга юборилади.

Суд судланувчининг келишувда назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ бажарганлигини инобатга олиб, келишувда назарда тутилган энгилроқ жазони қўллаб ҳукм ўқийди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, қидирувда бўлган шахсларга нисбатан айбга иқдорлик тўғрисида келишув институтини қўллаш, ушбу институтни барча йўналишларидан тўғри фойдаланиш, уни “инсон учун” деган тамойилини тўғри тадбиқ этиш, судларда инсон тақдири адолатли ҳал этишда муҳим институт бўлиб ҳисобланишини тушунишим даркор.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

<https://nrm.uz/contentf?doc=6127>

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.

<https://lex.uz/docs/111460>

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. 2021 йил 18 февраль, ўрқ-675-сон <https://lex.uz/docs/5295912>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2018 йил 15 декабрь, 1024-сон. <https://lex.uz/docs/4107057>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори. 2004 йил 21 май, 4-сон <https://lex.uz/docs/1454894>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. 2013 йил 11 декабрь. <https://lex.uz/docs/2307198>
8. Abdirahmanov, A. (2021). Ways of formation of the professional skills of undergraduate mathematicians. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 1202-1208.
9. Abdirahmonov, A., & Khurramov, O. (2022). FORMING THE PROFESSIONAL SKILLS OF UNDERGRADUATE MATHEMATICIANS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 920-925.
10. Abdirahmanov, A. (2022). The educational purpose of teaching mathematics. *Karshi-Journal of Pedagogical Inventions and Practices*
11. Abdirahmonov, A. (2022, March). THE SUBJECT OF MATHEMATICS PURPOSE AND CONTENT. In *E Conference Zone* (pp. 83-85).
12. Abdirahmonov, A. (2022, March). OBJECTIVES, CONTENT AND MAIN TYPES OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES IN MATHEMATICS. In *E Conference Zone* (pp. 118-121).